

Маҳаллалар фаолиятини тақомиллаштиришга оид семинар ўтказилди

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири томонидан 2020 йил 28 августда қабул қилинган “Фуқаролар йиғинларида иш ҳужжатлари ва уларни юритишни вақтинчалик тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ижросини таъминлаш мақсадида

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташабbusи билан Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманидаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида семинар йиғилиши ўтказилди.



Семинарда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПББ бошлиғининг биринчи ўринbosари, подполковник Д.Азизов, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринbosари Р.Исомиддинов, Қонликўл тумани ҳокими А.Ибрагимов ва Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринbosари О.Турдибаевлар иштирок этди.

Тадбир дориасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек фуқаролар йиғинлари ходимлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.




Image not found or type unknown

Шунингдек, 3 та маҳалла ва 8 та овул фуқаролар йиғинида иш юритиш тартиби, меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда йиғма жилдлар ва маҳсус дафтарларни намунавий шакллантириш бўйича соҳа ходимларига батафсил маълумотлар берилиб, ўзаро тажриба алмасилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлигинг
Ахборот хизмати